# Сафда юрт посбонлари

***Миллий армиямиз барқарорликнинг, ўзбек номини дунёларга бўйлатгувчи истиқлолимизнинг метин қалқонидир. Унинг сафида муносиб бўлиш бугунги кунда осон эмас. Биз буни чақирилувчиларни муддатли хизматга саралаш босқичларида иштирок этганимизда янада яққол ҳис қиламиз.***




Қуролли Кучларимиз сафига муносиб топилган бўлажак юрт посбонлари эса катта тантаналар билан хизматга кузатилмоқда. Буларнинг барчаси миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мевасидир.

Яқинда Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида бўлиб, кузатув жараёнида иштирок этдик. Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар йилдан-йилга мукаммаллашиб, байрамона тус олиб бормоқда.

Бошқарманинг тадбирлар ўтказувчи катта майдони хизматга отланган йигитлару уларнинг ота-оналари, яқинлари билан гавжум. Давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари, ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари ўз эзгу тилаклари билан ўғлонларга оқ йўл тилашди. Дастлаб сўз олган Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Баҳром Жуманиязов бўлажак Ватан посбонларининг олдида турган юксак бурчлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

– Ҳарбий хизматни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби – Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, деб атаганлар. Ҳар бир аскарнинг ўқув ва хизматдаги, ўз мажбуриятларини бажаришдаги тиришқоқлиги бутун армиямизнинг жанговар қудратини оширади.

Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Баҳодир Жалолов Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтини тугатган, спортнинг каратэ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиби бўлиб, уч карра Ўзбекистон чемпиони, бир қатор халқаро турнирлар ғолиби экан.

– Мана, мен ҳозир ўзим ва дўстларим номидан буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалолиддинларга муносиб ворис бўлишга ваъда бердим, – дейди Баҳодир қатъиятлик билан. – Нафақат хизмат чоғида, балки умр бўйи Ватан учун бор кучимни, бор қувватимни фидо қилишга тайёрман. Чунки бизнинг қай даражада камолга эришишимиз, аввало, Ватан равнақи, юрт тақдири билан боғлиқ. Шу азиз элимизга посбонлик қилиш менга насиб этган экан, албатта, бу ишончни оқлайман ва бундан бахтиёрман.

Байрамона тадбир ўзбекона бир пиёла чойга уланди. Йигитлар санъаткорларнинг сеҳрли оҳанглари оғушида дастурхонга йиғилдилар. Сўнгра уларга Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят "Нуроний" жамғармаси, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси томонидан совғалар тарқатилди. Мана шундай эътибор ва меҳрли кузатув жараёнининг ҳар бир қиррасида Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ходимларининг хизмати мужассам. Чақирилувчи йигитлар одилона танлов асосида сафга туриб, юксак эътибор ва ишонч билан хизматга отланаётган эканлар, улар албатта, фидойи посбонлар бўладилар.

**Зулфия ЮНУСОВА**




## XIII Жаҳон чемпионати бошланди

***13 ноябр куни Хитойнинг Меньян шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида XIII Жаҳон чемпионати бошланди. Мусобақанинг дастлабки кунида 11 вазн тоифасидан саккизтасида жанглар бўлиб ўтди.***

Боксчиларимиздан эса уч нафари ўзларининг биринчи учрашувларини ўтказишди. 54 килограмм вазн тоифасида кучини синаб кўраётган, Афина Олимпиадаси бронза медали соҳиби Баҳодиржон Султонов қозоғистонлик Миржон Раҳимжоновга қарши рингга кўтарилди. Ушбу вазн тоифасида совринли ўринларга даъвогарлардан саналаётган Баҳодиржон рақибини 26:18 ҳисобида мағлубиятга учратди.

69 килограмм вазн тоифасида эса Шерзод Ҳусанов грузиялик Кахабер Жванияга очколар ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди – 18:28. 75 килограмм вазн тоифасида эса Шерзод Абдураҳмоновга қарши рингга кўтарилган испаниялик Марио Дуро ҳамюртимиз зарбаларига дош беролмади. Бу жангда Шерзод яққол устунлик билан ғалаба қозонди.

Қолган боксчиларимизнинг Жаҳон чемпионатидаги иштироки ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида маълумотлар бериб борамиз. Эслатиб ўтамиз, ўн бир вазн тоифасида ҳам вакилларимиз Жаҳон чемпионлиги учун кураш олиб боришади.

## Навбатдаги ғалаба

***11 ноябр куни АҚШнинг Флорида штатида профессионал боксчилар ўртасида жанглар бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз супероғир вазнли чарм қўлқоп устаси Тимур Ибрагимов ҳам ўзининг чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилди.***

Тимурнинг бу сафарги рақиби америкалик Пол Мариначчо бўлди. Мариначчо бунгача 23 жанг ўтказиб, 22 муштлашувда рингни ғалаба билан тарк этганди. Тимур эса профессионал боксдаги 21 рақибини синовдан ўтказди.

Жанг тафсилотларига келсак, муштлашув ҳамюртимиз устунлигида бошланди. Кетма-кет зарбаларни ўтказиб юборган Пол Мариначчо еттинчи раунддан сўнг ўз бурчагидан ринг марказига келишни хоҳламади. Шу тариқа Тимур Ибрагимов 21-жангида ҳам рақибидан техник мағлубият билан устун келди.

Айни дамда мағлубият нималигини билмай келаётган боксчимизнинг имконияти мухлис ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Шунингдек, у WBC версияси чемпионлик камари соҳиби саналади. Ҳозиргача у ушбу унвонини тўрт бор ҳимоя қилди.



Пол Мариначчога қадар чемпионлик камарига даъвогарлик қилган Билли Дуглас, Рональд Беллами ва Рожерио Лоболарни ҳам муддатидан олдин "тиз чўктирганди".

## Амели якуний турнир ғолиби

***Лос-Анжелесда ўтказилган WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) йилнинг якуний турнирини якунлади. Рейтингда кучли саккизликдан жой олган ракетка соҳибалари ўртасида мазкур мусобақада ғолиблик франциялик Амели Моресмога насиб этди.***



Финалда ҳамюрти Мари Пирсга қарши кортга чиққан Амели қийинчилик билан бўлсада, ғалаба қозонди. Амели 2003 йил ҳам WTAнинг йил чемпионатида финалгача етиб борганди. Ўтган йилги ғолиб Мария Шарапова эса ярим финалда бўлажак чемпионга имкониятни бой бериб, мусобақани тарк этди.

Лос-Анжелес кортларидаги ғалабаси учун Амели Моресмо 1 миллион АҚШ доллари билан тақдирланди.

## Германияда яна кимлар тўп суради?

***2006 йил Германияда ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари плей-офф баҳслари ўтказилди.***

Айни дамда жаҳоннинг ўнта терма жамоаси бешта йўлланма учун баҳс юритаётгани мухлисларга яхши маълум.

Европа қитъасидан Испания, Словакия, Норвегия, Чехия, Швейцария ва Туркия уч йўлланма учун курашаётган бўлса, Осиёдан Баҳрайн ҳам Германия яшил майдонларида тўп суришдан умидини узгани йўқ. Шунингдек, Австралия, Тринидад ва Тобаго ҳамда Уругвай терма жамоаларида ҳам ҳали мундиалда иштирок этиш имконияти сақланиб турибди.



Саралаш баҳслари Европа қитъасида қайд этилган натижаларга келсак, Испания ўз майдонида Словакия термасини қабул қилди ва йирик 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бундан кўриниб турибдики, Раул бошчилигидаги испанлар жаҳон биринчилигида тўп суришга ҳақли.

Норвегия ва Чехия терма жамоалари ўртасидаги Ослода ўтган ўйинда эса чехларнинг фахрий футболчиси Владимир Шмицер ягона гол муаллифи бўлди. Норвегия – Чехия 0:1.

Швейцария Туркияни мағлубиятга учратиши эса плей-оффдаги кутилмаган натижа бўлди. Сўнгги вақтларда халқаро майдонларда ишончли тўп сураётган турклар Берндан 2:0 ҳисобида мағлубият билан қайтишди.

Уругвай Австралияни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Баҳрайн Конкакаф вакили Тринидад ва Тобаго майдонида 1:1 ҳисобида дуранг натижани қайд эта олди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


## "ELXOLDING" ОАЖга тааллуқли муҳим фактлар тўғрисида маълумот

**Жамиятнинг номи** - "ELXOLDING" очиқ акциядорлик жамияти

**Жамиятнинг манзили** - 703000, Самарқанд ш., У.Юсупов кўч., 2-уй.

**Маълумотнинг тартиб рақами** – 07

· қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисида эмитент томонидан қарор қабул қилинган сана - 2005 йил "3" ноябр куни бўлиб ўтган жамият Кузатув кенгашининг йиғилишида.

· қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузилган сана – 09.11.2005 й.

**Кузатув кенгаши**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 30.12.2004 йилдаги 10-0418/11489-сонли ҳал қилув қарорига асосан "KOKCHA OQTEPASI" масъулияти чекланган жамияти умумий тартибда "банкрот" деб эътироф этилиб, унга нисбатан тугатиш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Исмоилов Аҳматжон Жўраевич тайинланди. Тугатиш ишлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Уйғур кўча, 487-уйда олиб борилмоқда. Ушбу иш юзасидан алоқадор шахс ва корхоналар бир ой муддат ичида 397-90-03 телефонига ёки юқоридаги манзилгоҳга мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 15.10.2004 йилдаги 10-0420/8523-сонли ҳал қилув қарорига асосан "QURILISH MOLLARI" масъулияти чекланган жамияти умумий тартибда "банкрот" деб эътироф этилиб, унга нисбатан тугатиш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Усмонов Акромжон Акмалжонович тайинланди. Тугатиш ишлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси, Стройгород мавзеси, Гиламлар бозори маъмурият биносида олиб борилмоқда. Ушбу иш юзасидан алоқадор шахс ва корхоналар бир ой муддат ичида 199-46-11 телефонига ёки юқоридаги манзилгоҳга мурожаат этишлари мумкин.

## *Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

**Ихтисослаштирилган кимошди савдоларини ташкил қилиш ташкилоти "AUKSION-INVEST" 2005 йил 15, 22, 29 декабр кунлари соат 10:00 да кимошди савдоларини ўтказади.**

**Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:**

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган:

- "Мурод" хусусий корхонасининг Шахобов Эшмуродга тегишли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Паргос қишлоғи, Тошкент кўчаси 43-уйда жойлашган чойхона – омборхонаси, бозорчаси ва ёрдамчи қурилма бинолари, бошланғич нархи 12 435 578 сўм;
- "Паргос" ширкат хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Паргос қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маданият уйи биноси, бошланғич нархи 9 278 600 сўм;
- "Бўстонлиқ" ширкат хўжалигига тегишли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маданият уйи биноси, бошланғич нархи 7 762 300 сўм;
- "Бўстонлиқ" ширкат хўжалигига тегишли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган болалар боғчаси биноси, бошланғич нархи 21 935 000 сўм;
- "Искандар" ХХСКга қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Озодбош қишлоғида жойлашган 3-сонли савдо дўкони биноси, бошланғич нархи 4 353 111 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.

**Тел. 42-46-23.**

Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000530


## Яхна таом

***Қовоқлар ниҳоятда серхосиятлилиги ва улардан тайёрланадиган таомлар шифобахшлиги билан маълум. Ушбу таом эса энг осон тайёрланиши билан ажралиб туради.***



Ошқовоқнинг "Дастор", "Витаминли" каби навларининг биридан ярим килоча олиб, уруғини ажратиб, гугурт қутисидек бўлакларга бўлинади. Маҳсулотни сувга солиб, 25 дақиқа давомида қайнатиб, пишиш олдидан туз солинади. Сўнгра ошқовоқнинг бўлаклари сувдан лаганга олинади ва совутилиб, дастурхонга тортилади.

**МАСЛАҲАТ**

Қовоқ яхнасининг энг қулай тайёрлаш йўли, бўлакларга ажратилган неъматни қасқонга солиб, буғда пиширишдир. Бир соат давомида буғда пиширилган қовоқ совугач, сариёғ ёки қаймоқ билан дастурхонга тортилса, жуда тотли ва ейишли бўлади. Бу таом халқ табобатида ошқозони оғриган касалларга даво бўлади, ичак ва юрак-қон томир хасталикларда парҳез сифатида қўлланилади. Шунингдек, у жигар дардлари билан оғриган беморлар, хафақон дардига мубтало бўлганлар учун жуда фойдали, сариқ касалини бошидан кечирганлар учун қувватбахш, яъни аъзоларни мустаҳкамлаш билан бирга кўзни равшанлаштириш хусусиятига ҳам эга.

## Қовоқ шарбати

Қовоқнинг етилиб пишгани пўстидан холи қилинади, уруғидан тозаланади, совуқ сув билан ювилади, сўнгра қирғичда қириб, суви докадан ўтказилади (бунда шарбат чиқарувчи мосламадан фойдаланилса ҳам бўлади). Қовоқдан ажратиб олинган шарбат буйраги ҳамда жигари касалланган беморлар учун ниҳоятда фойдали ҳисобланади. Қовоқ шарбати чанқоқни яхши қондиради, юрак ишининг сустлиги билан боғлиқ сиқилиш рўй берганида ундан фориғ этади, семизликдан ихчамлашишга мойиллик яратади.

Қовоқ шарбатини катта ёшли одамларга кунига 2-3 стакандан ичиш тавсия этилади. Уни муқимлаб (консервалаб) қўйиш ҳам мумкин. Шунда ундан барча фаслларда шифобахш омил сифатида фойдаланса бўлади.

## Яна бир парҳез

Қовоқ билан олмани қириб, устига бироз сув солинади-да, суви буғланиб кетгунча дамлаб қўйилади, сўнгра катта кўзли элакдан ўтказиб, шакар, долчин, желатина қўшилади ва совуганидан кейин қаймоққа қориб аралаштирилади.

Ушбу таомдан истеъмол қилинадиган бўлса, у киши организмига қувват бағишлайди, камқонликка эмлик қилади, маълум даражада тўқ тутади.

Шу таомни тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулотлар: 100 грамм қовоқ, 70 грамм нордон олма, 30 грамм шакар, 50 грамм қаймоқ, долчин, желатина.

## Ширқовоқ

Ширқовоқ жигар, меъда-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун, шунингдек, оғир хасталикларни бошидан кечирган кишиларга дармонбахш овқат сифатида тавсия этилади.

Ширқовоқни тайёрлаш учун яхши пишган қовоқдан 400 граммча олиб, пўсти ва уруғ-тивитларидан тозалаб, катта тўртбурчак қилиб тўғрайсиз ва ювиб, идишга соласиз. Бир стакан гуручни ювиб соласиз ва масаллиқнинг юзи билан баробар қилиб сув қуйиб, қайнатиб оласиз. Унга ярим чой қошиқ миқдорида туз ҳам солинг. Қайнаганда гуруч билан ошқовоқ чала пишади ва суви анча камаяди. Шундан сўнг 3 литр сут қўшиб, қайнатишни давом эттирасиз. Бу жараён ошқовоқ юмшаб, гуручи эзилгунча давом эттирилади. Тайёр маҳсулотни дастурхонга тортишдан олдин идишнинг қопқоғи ёпилган ҳолда 15-20 дақиқа "дам едирилади", шунда ширқовоқ қаймоқ боғлаб бет олади, косаларга тақсимлаб, бир чой қошиғида сариёғ солиб келтирилади.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**


Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХ бошқармаси томонидан Даниялов Абдусаттор Тўйчибаевич номига берилган давлат рақам белгиси 11 М 0809 бўлган, "Нексия" русумли автомашинанинг транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси - техник паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ томонидан 1997 йил 22 августда Даниялова Пернегул Сарсенбаевна номига расмийлаштирилган, реестрдаги рақами 2216, № 0002246 бўлган якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## АК "Ўзулгуржисавдо"

**Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:**

***Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75**
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
***ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80**
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм,
108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм,
219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсказопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

**Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:**
**530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм**
**720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм**
**1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм**

***При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены***

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**
*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб
*Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции
*Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян
*Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

**г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.**
**E-mail: uz_savdo@mail.ru**


## Диққат: "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги!"

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, бошқа даврларга нисбатан қиш фаслида фуқаролар иситиш мосламаларига кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Шу пайтда ёнғин чиқиш хавфи ҳам кескин кучаяди. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги 493-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Республикада 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад - "халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш", деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг ўтказилишида фаол иштирок этадиганларга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.


**ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Уруғлик керакми? Марҳамат!**

**"Ўзмевасабзавотуруғсаноат" уюшмаси маҳаллий шароитга мослашган сабзавот, полиз экинлари ва кўкатларнинг сара, навдор уруғларини сотмоқда. Ҳақ тўлаш турлича. Манзил: Тошкент, С.Мираҳмедов кўчаси, 248-уй.**
**Тел. 50-91-01.**


Элликқалъа тумани ҳокимлиги "Асал" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуллажон Юсуповга ўғли **Давлатбой ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Об - ҳаво

***Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 15 ноябр куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин, айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.***

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиши мумкин, туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши мумкин, туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, баъзи жойларда 0-2 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши мумкин, туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, баъзи жойларда 0-2 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Сурхондарё вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин, айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, баъзи жойларда 0-2 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Қ.НОРҚОБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9380

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6